Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

18 сентябрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 191 (1443)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов кредитлар ва сармояларни суғурта қилувчилар Берн халқаро уюшмасининг бош котиби Малькольм Стефенс билан учрашди. Меҳмон мамлакатимизда сармоя сарфлаш учун қандай имкониятлар мавжудлиги билан танишиш мақсадида республикамизга келган.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг имкониятлари ва истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олинди. Республикадаги хориж сармояларини муҳофаза қилишнинг қонуний асоси, сармояларга имтиёзлар ва кафолатлар тизими масалаларига алоҳида эътибор берилди.

М. Стефенс Ўзбекистон собиқ Иттифоқ ҳудудидаги ўз тараққиёт моделини танлаб олиб, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлабгина қолмай, айни пайтда сармояларни жалб этиш ва муҳофаза қилиш учун ишончли асосни яратган камдан-кам давлатлардан бири эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида, «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясида, хориж сармоялари бўйича агентликда ҳам суҳбат бўлиб ўтди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АНДИЖОНГА ТАШРИФИ

АНДИЖОН, 17 сентябрь (ЎзА махсус мухбири Аҳмад ХЎЖА хабар қилади).

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Андижон вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида бу ерга келди.



Давлатимиз раҳбари Андижон ирригация машинасозлиги заводи базасида ташкил этилган «Ўзтонг хонг КО» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда «ЎзДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Тико», «Дамас» автомашиналари учун ўриндиқлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Ислом Каримов қўшма корхона муҳандислари ва ишчилари билан суҳбатлашди.

Президент 1-вилоят болалар касалхонасини бориб кўрди. Тиббиёт ходимлари ва беморлар билан суҳбатлашди. Болаларнинг даволаниши ва машғулотлар билан шуғулланиши, дам олишини кўнгилдагидек ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Пахта ва галла етиштиришни кўпайтириш халқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидандир. Президент Избоскан туманидаги Нишонбой Жўраев ва Абдусамад Тиллабоев номидаги жамоа хўжаликларида бўлиб, плёнка остида пахта етиштириш технологияси билан танишди. Туманда галла уруғини саралаш ва дорилаш ишларини кўздан кечирди. Деҳқонлар, хўжаликлар раҳбарлари билан пахтачилик ва галлачиликни ривожлантириш истиқболлари, картошка етиштириш технологиясини такомиллаштириш хусусида фикр алмашди.

Президентнинг Андижон вилоятига сафари давом этмоқда. Сафар чоғида унга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Андижон вилояти ҳокими Қобилжон Обидов ҳамроҳлик қилаётир.

САФАР САМАРАЛИ ЎТДИ

17 сентябрь куни Тошкент аэропортида Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирокида Украина делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи якунига доир қисқача матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Ўзбекистонга ташрифимиздан мақсад, аввало, Украина—Ўзбекистон муносабатларининг бугунги ривожига янги туртки беришдир, — деди Геннадий Удовенко. — Биз икки мамлакат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишини тезлаштириш, Украина Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифига тайёргарлик кўриш, давлатларимизнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва бошқа масалаларни муҳокама этдик.

Украина ташқи ишлар вазири, шунингдек, савдо-иқтисодий, транспорт, тоғ-кон саноати соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилганини ҳам таъкидлаб, мазкур сафар жуда самарали ўтганидан мамнуният изҳор қилди.

«Мен Тошкент шаҳри қиёфаси қисқа муддат ичида бу қадар ўзгариб кетганидан ҳайратдаман. Янги қурилаётган меҳмонхоналар, кўплаб гўзал иншоотлар, айниқса, Амир Темур музейи пойтахт кўркига кўрк, фахрига фахр қўшибди», дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашди Геннадий Удовенко.

— Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенконинг Ўзбекистон раҳбарияти билан учрашувлари, ўзаро музокараларимиз чоғида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида ҳали катта имкониятлар мавжудлиги аён бўлди, — деди Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамасининг раҳбари Абдулазиз Комилов. — Сиёсий муносабатларимизга тўхталсак, биз ҳар икки томон учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган масалалар, жумладан, ҳалқаро ташкилотлар — ЕХҲТ ва БМТ доирасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама этдик. Сиёсий жиҳатдан келгуси муносабатларимизнинг бундан-да мустаҳкамланишига ҳалал берадиган ҳеч қандай муаммо йўқлигига амин бўлдик.

Шунингдек, Абдулазиз Комилов ҳар икки вазирлик ўртасида фаолиятни ўзаро мувофиқлаштириш тўғрисидаги битим имзоланганини, бу ҳужжатнинг одатдаги ўзаро маслаҳатлашувлар протоколидан фарқли эканининг ўзиёқ мамлакатларимиз сиёсий ҳамкорлиги даражасининг юқорилигидан дарак беришини таъкидлади.

Вазирлар журналистларнинг бошқа саволларига ҳам батафсил жавоб қайтардилар.

Шундан сўнг Геннадий Удовенко бошчилигидаги Украина делегацияси ўз ватанига жўнаб кетди.

Уни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатиш маросимида Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Сметанин ҳозир бўлди.

(ЎзА)

УЧРАШУВГА ҲОЗИРЛИК

17 сентябрь куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг шу йил Тошкентда ўтажак Олий даражадаги тўртинчи учрашувига тайёргарлик кўришга бағишланган мажлис бўлди. Унда Ўзбекистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Туркманистон Ташқи ишлар вазирликларининг вакиллари иштирок этди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошқарди.

Учрашувда туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик, Қозоғистондаги Туркистон шаҳрининг 1500 йиллик юбилейларини биргаликда нишонлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзА).

UZINFO МАРКАЗИ ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР

ТАНТАНАЛАР ҚИММАТГА ТУШАДИ

Гонконгни келгуси йилда ХХР таркибига ўтиши мўлжалланган.

Ана шу муносабат билан жуда катта гала-концерт ташкилотчилари кимларни таклиф қилиш устида жиддий бош қотирмоқдалар. Дастлаб мазкур концертга машҳур Лучано Паваротти ва донғи оламга кетган кўзбойлағич Дэвид Копперфилдни таклиф қилишни мўлжаллаётган эди. Уларнинг иккови ҳам етти миллион гонконг доллари (897 минг АҚШ доллари) талаб қилишган. Концерт ташкилотчиларида эса бунақанги пул ҳозирча йўқ.

ПУЛНИ ТЕЖАШГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА

Фаластин ҳукумати бошлиғи Ёсир Арофат номига телефон компанияларидан халқаро телефон алоқаси учун тўлов қоғозлари кўплаб кела бошлади. Уларнинг умумий миқдори аниқ ҳисобланмаган бўлса-да, лекин бир неча миллион долларга тенглиги аниқ.

Арофатнинг топшириғига биноан ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, кўпгина амалдорлар ҳукумат телефонлари орқали чет элда яшайдиган қариндошлари ва ўзларининг шахсий ишлари билан хусусий кишиларга қўнғироқ қилишган. Эндиликда хизмат телефонлари орқали қўнғироқ қилиш барча амалдорларга таъқиқланди. Фақат вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, хавфсизлик хизмати ходимларигина ҳукумат алоқа тармоқларидан фойдаланишлари мумкин.

ТАШЛАНДИҚ ЧАҚАЛОҚЛАРГА... ҚУЛАЙЛИК

Будапешт шаҳридаги йирик туғруқхона эшиги ёнига доимо янги туғилган чақалоқларни кўплаб ташлаб кетишар эди. Врачлар бундай чақалоқларни шамоллашдан, турли юқумли касалликлардан асраш мақсадида туғруқхона эшиги ёнига инкубатор ўрнатишди.

Қизиғи шундаки, инкубатор ўрнатилгандан сўнг чақалоқларни ташлаб кетиш ўз-ўзидан йўқолди. Врачларнинг фикрича, ушбу аппарат болаларнинг аянчли тақдиридан хабар берувчи нарса сифатида енгил табиатли оналарнинг виждонини уйготган бўлиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

АКАДЕМИЯДА ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Маълумки, шу йилнинг 2 майида мамлакатимиз Президентининг «Банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди.

Яқинда ушбу Фармонга мувофиқ ташкил этилган Банк-молия академиясида дастлабки ўқув машғулотларини бошлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Уни мазкур академия ректори М. Очилов кириш сўзи билан очди.

— Республика банк-молия тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш бугунги куннинг қатъий талабидир, — деди нотиқ. — Чунки Банк-молия академияси анашу талабларни юзага чиқаради.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан Марказий банк бошқаруви раисининг муовини А. Қодиров, республика Минтақавий банк ўқув маркази бош директори М. Алиевлар академиянинг тингловчиларини янги ўқув йили билан қутлади.

ИЛҒОР ТАЖРИБА ТАНИШТИРИЛДИ

Тошкент давлат юридик институтида «Юридик амалиётни ташкил этиш ва бошқариш» мавзуида семинар ўтказилди. Анжуманга ушбу мавзу танланганги бежиз эмас. Зеро, республикамизда жамиятни демократиялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишда суд ҳамда адвокатура органлари фаолиятини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Америка юристлар уюшмаси, республика Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуман қатнашчилари Америкининг бу борадаги кўп йиллик тажрибаси, шунингдек, хусусий юридик хизмат тизими фаолияти билан таништирилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1996 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ (ФОИЗ ҲИСОБИДА)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
Сурхондарё	2,20	31,15
Бухоро	3,10	20,62
Навоий	2,49	20,09
Хоразм	3,30	18,43
Самарқанд	2,53	17,79
Андижон	4,23	15,97
Фарғона	2,99	15,43
Қашқадарё	2,01	13,74
Қорақалпоғистон Республикаси	1,28	10,28
Наманган	2,05	6,48
Тошкент	0,95	3,43
Жиззах	0,70	2,31
Сирдарё	0,42	1,24
Республика бўйича	**2,20**	**13,95**
1995 йилда	2,61	27,89
Жумладан ингичка толали пахта (тонна ҳисобида)		
Сурхондарё	656	7106
Қашқадарё	73	333
Наманган	—	—
Республика бўйича	**729**	**7439**
1995 йилда	1086	13220

ТУРИЗМ — ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

17 сентябрь куни Ўзбекэкспо марказида «Ипак йўли бўйлаб туризм» дастури доирасида иккинчи халқаро саёҳат ярмаркаси тантанали равишда очилди. Унда туризм бизнеси билан шуғулланувчи юздан ортиқ фирма иштирок этмоқда.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг раиси Бахтиёр Ҳусанбоев ярмаркани очар экан, бу тадбир ана шундай анжуманлар орасида муҳим ўрин тутаётганини, янги битимлар тузишга, саёҳатчилар сафини кенгайтиришга, кўплаб компаниялар ва фирмаларнинг саёҳат йўналишлари тармоғини кенгайтириш борасидаги куч-ғайратларини бирлаштиришга кўмаклашаётганини таъкидлади.

Ярмаркани очиш чоғида ҳозирги Ўзбекистонда барча мамлакатлардан келувчи меҳмонлар учун юздан ортиқ қизиқарли саёҳат йўналишлари мавжудлиги ҳақида гапирилди. Бу муҳим тармоқни ривожлантириб, республикамизнинг яқин вақт ичида етакчи туризм давлатлари қаторига чиқиб олишига имконият яратишда ёрдам бергани учун республика раҳбариятига, жаҳон туристлар ташкилотига миннатдорлик сўзлари айтилди.

Ярмаркани очиш маросимида сўзга чиққан жаҳон туристлар ташкилотининг минтақадаги вакили Питер Шэклфорд ипак йўли Хитойдан тортиб Туркияга қадар 12 минг километрлик жуда қизиқарли йўналиш эканини, 1994 йилда Самарқандда ипак йўлидаги туризм бўйича декларация қабул қилинганидан буён кўп мамлакатлар бу ерда мазкур йўналишлар бўйича саёҳат қилиш учун қулай шароит яратиш юзасидан иш олиб бораётганини таъкидлаб ўтди. Кўпгина расмитичиликлар тугатилди, транспорт таъминоти, туризмнинг инфратузилмаси яхшиланди. Ярмарканинг юксак даражада ташкил этилгани, деди хорижлик меҳмон, Президент Ислом Каримов, республика ҳукумати, «Ўзбектуризм» компанияси раҳбарлари халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун бу соҳани юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганини кўрсатиб турибди.

Ярмарка очилиши чоғида республикамиздаги Асака автомобил заводида ишлаб чиқарилган дастлабки автомобилларда Марказий Осиё мамлакатлари олтин ҳалқа йўли бўйлаб биринчи халқаро автопойга бошланди. Пойга иштирокчилари беш ярим минг километр йўлни босиб ўтишлари, автотуристлар учун янги йўналишни белгилашлари лозим.

Ярмарка экспозицияси Ўзбекистон табиий бойликларининг хилма-хиллиги, унинг маданий-тарихий анъаналари, буюк ипак йўли ўтган мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини намойиш қилади.

Ярмаркани очишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев иштирок этди.

АВТОПОЙГАГА СТАРТ БЕРИЛДИ

«Нексия», «Дамас», «Тико» машиналарининг автопойгаси старт олиши ҳақида хабар берган эдик. 17 сентябрь куни ушбу мусобақа бошланди.

Газетамизнинг махсус мухбири В. Драчев автопойга трассасидан хабар қилади:

«ЎзДЭУавто» ўзбек-корейс қўшма корхонасининг автомашиналари дастлабки юз километр масофани жуда тез босиб ўтишди. Йўлнинг яхши эканлиги ҳар уч маркадаги машиналарнинг соатига ўртача 80 км. тезлик билан юришга имкон берди. Олдинда иккита «Нексия», ўртада «Дамас» машиналари кетиб бормоқда. Колоннанинг охирида иккита «Тико» бораётир. Ҳар 100 километрга 4 литрдан кўпроқ бензин сарфланмоқда.

Олдинда ва охирида кетиб бораётган машиналар ўртасидаги алоқа рация орқали амалга оширилаётир. Уни Тошкент шаҳридаги «Сканер трейдинг» Америка фирмаси тақдим этган.

Мусобақа қатнашчиларининг биринчи тўхташ манзили Жиззахнинг марказий майдони бўлди. Машиналар саф тортади. Уларни шаҳар ҳокими С. Худоёров табриклайди. Юзлаб кишилар «Нексия», «Дамас», «Тико»ларни қизиқиш билан томоша қилдилар.

Кечқурун машиналар колоннаси Самарқандга кириб борди.

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 23,80 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 40,00 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 18 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	31,58
1 Австрия шиллинги	3,76
1 Англия фунт стерлинги	62,26
10 Бельгия франки	12,86
1 Голландия гульдени	23,62
10 Греция драхмаси	1,66
1 Дания кронаси	6,88
1 БАА дирхами	10,89
1 АҚШ доллари	40,00
1 Миср фунти	11,79
1 Ирландия фунти	64,40
1 Исландия кронаси	0,60
10 Испания песети	3,14
100 Италия лираси	2,62
1 Канада доллари	29,19
10 Хитой юани	0,48
1 Қувайт динори	133,36
100 Ливан фунти	2,57
1 Малайзия рингити	16,03
1 Германия маркаси	26,47
1 Норвегия кронаси	6,18
1 Польша злотийси	14,37
10 Португалия эскудоси	2,59
1 Сингапур доллари	28,36
1000 Туркия лираси	0,45
1 Финляндия маркаси	8,79
1 Франция франки	7,79
1 Швеция кронаси	6,03
1 Швейцария франки	32,24
1 ЭКЮ	50,10
10 Жанубий Корея вони	0,48
10 Япония иенаси	3,64
1000 Россия рубли	7,44
1000 Украина корбованеци	22,73
1000 Беларусь рубли	2,75
1 Эстония кронаси	3,31
1 Латвия лати	72,86
1 Литва лити	10,00
1 Қозоғистон тенгеси	0,59
1 Қирғизистон соми	3,11

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

Давлат мустақиллиги Ўзбекистонга иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланиш истиқболини очиб берди. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат, табиийки, ўз тараққиёт моделини ишлаб чиқади ва уни ҳаётга татбиқ этади. Ўзбекистон Республикаси давлат қурилишининг асосий тамойили — мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, халқ урф-одатлари ва анъаналари, одамларнинг турмуш тарзини мужассамлаштирган ўз конституциявий йўлига қатъий ва изчил амал қилишдан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ — ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ

ТЎРТ БОСҚИЧ

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва давлатчилигига тинч йўл билан эришди. Мамлакатнинг давлат қурилиши пойдеворига республика Президенти И. Каримовнинг беш тамойили асос қилиб олинган. Бу тамойиллар мустақил Ўзбекистон тараққиёти пойдевори ва жамиятнинг янги модели ишланмаси, демократик ҳуқуқий давлат назарияси ҳамдир. Республикамиз қадимий Суғдиёна ва Хоразм давлатчилигидан тортиб сомонийлар, хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар, ўзбек хонликларига қадар бўлган тажрибани ўзида мужассам этган.

Ўзбекистон давлатлараро муносабатлар иштирокчиси, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз олдига мамлакатни оёққа турғазиш ва тараққий топтиришни мақсад қилиб қўйган. Халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эса у ўз ривожланиш йўлида бир қатор ўзига хос босқичларни босиб ўтди.

Биринчи босқич Туркистон Совет Автоном Республикасининг ССР ташкил топганига қадар мустақил яшаш йиллари бўлди. Туркистон Республикаси 1918 йилги Конституцияга мувофиқ қонунчилик, ўз ҳудудида ер, сув, қазилма бойликларни мустақил тасарруф этиш, лавозимларни ва меҳнатга ҳақ тўлаш каби бошқа ҳуқуқий мезонлар билан РСФСР таркибига кирган эди. Ўша Конституцияга мувофиқ РСФСРнинг бошқа совет республикалари билан муносабати халқаро ҳуқуқий асосга қурилган эди. 1920—1921 йилларда тузилган шартномалар, жумладан РСФСРнинг Озарбайжон билан ҳарбий-иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги Шартномаси бунга мисол бўла олади. Шартномаларда улар мустақил ва суверен томонлар ўртасида мудофаа мақсадларида, шунингдек, хўжалик қурилиши манфаатларида тузилганлиги қайд этилган. Дипломатия амалиётида ҳар бир республиканинг мустақиллиги қатъий таъкидланган бўлиб, шартнома нормаларининг таъсир доиралари шунга мувофиқ белгилаб қўйилганди. Бу тартиб ССР ташкил этилганлиги тўғрисидаги Шартнома имзоланганига қадар амал қилди. Ушбу шартномага мувофиқ Иттифоқнинг халқаро муносабатлардаги ваколати СССР ихтиёрига берилиб, кейинчалик 1924 йилги Конституция республикаларнинг халқаро шартномалар тузиш борасидаги ҳуқуқларини чеклаб қўйди.

Ўзбекистоннинг давлат сифатида ривожланишининг иккинчи босқичи СССР ташкил этилиши билан бошланди ва айниқса, 1924 йилги Конституция қабул қилиниши билан Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий субъектлиги сифат жиҳатидан ўзгаришга юз тутди. Конституциянинг 3-моддасига мувофиқ иттифоқдош республикаларнинг суверенитети Иттифоқ ихтиёрига берилган соҳалар, чунончи, халқаро муносабатларда Иттифоқнинг вакиллик қилиши, барча дипломатик алоқаларни олиб бориш, бошқа давлатлар билан ҳамма турдаги шартномаларни тузиш, халқаро шартномаларни ратификациялаш, Иттифоқнинг ташқи чегараларини ўзгартириш, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш каби масалалар бўйича чеклаб қўйилди. Ҳамма иттифоқдош республикалардаги ташқи ишлар бўйича халқ комиссариатлари тугатилди.

СССРнинг 1936 йилги Конституциясида ҳам Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар ўртасидаги компетенцияни белгилашга худди шундай тартибда ёндашилган. 1923—1944 йилларда иттифоқдош республикаларнинг халқаро муносабатлардаги иштироки фақат республикаларнинг иттифоқ органларидаги ваколатхоналари воситачилигида таъминланди. Бундай мақом эса, Ўзбекистон ССРни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида баҳолашга асос бўлолмайди.

Учинчи босқич шундан иборатки, СССР Олий Кенгаши Иттифоқ раҳбариятининг иттифоқдош республикаларнинг БМТни тузиш жараёнига жалб этиш мақсадлари билан боғлиқ сиёсий нуқтаи назарларидан келиб чиқиб, 1944 йил 1 февралда қарор қабул қилди ва унга мувофиқ иттифоқдош республикаларга ташқи алоқалар соҳасида ваколат берилди. Шу муносабат билан СССР ва иттифоқдош республикаларнинг конституцияларига ўзгартишлар киритилди.

1978 йилги Конституция гарчи, кўпгина демократик салоҳиятни ўзида мужассам этган ва жамият манфаатлари йўлида муваффақиятли фойдаланиш мумкин бўлса-да, бироқ илғор салоҳият (масалан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги моддалар сони 1937 йилги конституциядагига нисбатан қариб икки баравар кўпайтирилган ёки «Ижтимоий тараққиёт ва маданият» деб номланган янги боб киритилган) кучга кирмай қолиб кетди, конституциянинг ўзи эса турғунлик даврида одамлар онгида фақат оғзаки эслашдан нарига ўтмади. Кўпгина конституциявий йўл-йўриқлар (масалан, иттифоқдош республикаларнинг суверенитети тўғрисидаги) қоғозда қолиб кетди. Федерализм тамойиллари (федерацияга бирлашган давлатлар суверенитетга эга эканлиги давлатнинг ўзи ёки давлат тузилмаси конституциясида қайд этиб қўйилади) айниқса, марказий вазирликлар ва идоралар олиб борган сиёсат бобида унитар интилишлар билан almashтирилди.

Ўзбекистон ССР вакиллари ССР номидан музокаралар олиб боришга ана шу тариқа қўникиб бордилар, иттифоқ делегацияларига қўшилиб, халқаро ташкилот ёки халқаро кенгашларга жўнатилди. Ўзбекистон ССР ҳудудида бир нечта, масалан Афғонистон, Мўғилистон консулликлари бор эди. Бироқ улар ўз давлатларининг Совет Иттифоқидаги консуллик округи ҳисоблачиси — Асосий қонунни қисман қайта кўриб чиқиш; иккинчиси — тўла ҳажмдаги янги конституцияни тайёрлаш.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иккинчи сессияси 1990 йил 20 июнда республика суверенитети тўғрисидаги Декларацияни қабул қилди. Республиканинг ана шу Декларацияда мустаҳкамлаб қўйилган энг асосий тамойилларидан бири ташқи сиёсат масалаларини мустақил ҳал этиш, халқаро ҳуқуқларнинг асосий тамойилларини тан олиш ва ҳурмат қилишдир. Шу билан бир вақтда Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлик принципини тан олишини маълум қилди. Республика Олий Кенгаши ССР Иттифоқининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ва суверенитет тўғрисидаги Декларацияни амалга ошира бориб, 1991 йил 31 августда ўзининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва мустақил суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини эълон қилди. Бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Олий Кенгаши иттифоқнинг ва унинг таркибига кирувчи суверен давлатларнинг барча олий қонун чиқарувчи органларига, ҳамма хорижий давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республика давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги актини тан олишга чақирди.

Республиканинг давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари ривожига, бошқа давлатлар билан бўладиган шартномалар жараёнининг фаоллашувига сезиларли даражада туртки бўлди. Чунончи, Ўзбекистон 1991 йил 31 августдан бошлаб бошқа давлатлар, яъни федерация субъектлари билан шартнома муносабатларига киришди: 1991 йил март ойида Қирғизистон Республикаси, апрелда Туркманистон Республикаси ва октябрда Озарбайжон Республикаси билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар имзоланди.

Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонун қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри халқаро муносабатлар даражасига чиқа бошлади. 1991 йилнинг сентябридан бошлаб турли давлат ва халқаро ташкилотлар билан, чунончи, Туркия Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Венгрия Республикаси, ГФР, Франция Республикаси, Польша, АҚШ, ХХР, Корея Республикаси, МДҲ мамлакатлари, БМТ, ОБСЕ, ЕС ва бошқа кўпгина мамлакатлар ҳамда ташкилотлар билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома ва битимлар имзоланди.

Юқорида келтирилган барча шартнома ва битимларда икки давлат (иккинчи давлат — Ўзбекистон Республикаси) ўртасидаги муносабатлар умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига, суверенлик ва ҳудудий бутунликни ҳурмат қилишга, тенгликка, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, ҳалол, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланиши ҳақида сўз юритилади.

Ўзбекистоннинг МДҲ таркибидаги бошқа давлатлар билан муносабатлари халқаро-ҳуқуқий даражага кўтарилмоқда. Республикамизнинг Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Ураина, Озарбайжон, Грузия, Латвия билан икки томонлама, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаси билан уч томонлама шартномаларнинг мазмун-мундарижаси шундан гувоҳлик беради. Ушбу шартномаларда давлатлараро муносабатларимизни суверен ҳуқуқларнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормалари асосида ривожлантириш мақсадлари баён этилган. Шартномалар тузиш чоғида халқаро шартномалар тарқасида қабул қилинган процедура қоидаларига амал қилинди.

(Давоми бор).

Ахтам ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи маслаҳатчиси.

Пахтачиликда янги технология

ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА ЭКИШ УСУЛИ

Бутун республикада кенг жорий этилса, ҳосилдорликни 5 центнер ошириш ва шунинг эвазига пахта майдонини қисқартириб, озуқа ҳамда сабзавот экинлари майдонини кенгайтириш мумкин.

Республика қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Мансур Султонов билан суҳбат ана шу мавзуга бағишланган.

— Бу усулнинг афзалликлари нимада?

— 1995 йилда тажриба тариқасида Андижон вилоятининг бир қатор хўжаликларида чигит плёнка остига экилди. Ҳар хил муддат ва шароитда экилган чигитлар плёнка остида яхши ривожланди. Одатдаги усулга нисбатан ғўзанинг ривожи 20-25 кун илгари борди. Йиғим-терим ҳам шунча барвақт бошланди.

Шу ўринда янгиликнинг куртаклари очилган хўжаликларда эришилган натижаларга бир назар солсак. Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг Сиёсатхон Абдуллаева бошлиқ бригадасида 13 апрелда экилган чигит соғлом кўчат берди. Ривожи тезлашиб, 27 июлда кўсак етилиб, табиий шароитда очилди. Ғўза одатдаги усулда парвариш қилинган майдонларга нисбатан ҳосилдорлик 15 центнер юқори бўлди.

Избоскан туманидаги Шермат Юсупов номли жамоа хўжалигида оралиқ экин ўриб олинганидан сўнг 8 май куни 4 гектар майдонга чигит плёнка остига экилди. Шунга қарамай, у эрта пишиб, бошқа майдонларга нисбатан 8 центнер кўп ҳосил тўкди. Бундай натижалар тажриба олиб борилган барча хўжаликларда кўзга ташланди. Вилоят бўйича 21,5 гектар ердан ўртача 42,6 центнердан ҳосил олинди. Бу вилоятдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан гектар ҳосибига 11,8 центнердан кўп, демакдир.

Ёки тоғолди ҳудудида жойлашган Қўрғонтепа туманидаги машҳур «Савай» хўжалигида эришилган натижалар билан танишсак. 50 гектар майдонда хитойликлар кузатувида плёнка остида ғўза парвариш қилинди. Айни шу майдоннинг ҳар гектаридан 46,2 центнердан ҳосил олинди. Оддий усулда парвариш қилинган ерда эса ҳосилдорлик 29,2 центнер бўлди. Иқтисодий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар гектар ердан 13 минг сўмдан қўшимча даромад олинди.

«Андижон усули»нинг яна бир жиҳати бор. Бу шундан иборатки, моддий ва ишчи ресурслари тежалади. Плёнка остидаги тупроқда фойдали организмларнинг ҳаёт фаолияти кучаяди. Чигит экиш билан бир вақтда солинган ўғит тўла ўзлашади. Ягана, чопиқ ва бегона ўтларга қарши тадбирлар ўтказилмайди. Ваҳоланки, бу тадбирларни асосан аёллар бажариши керак бўларди. Суғориш, қатор ораларини юмшатиш ва озиқлантириш оддий усулга нисбатан тенгма-тенг камаяди. Йиғим-терим узоғи билан сентябрь ойининг охирида туғалланади.

Янгиликнинг эртаси порлоқ эканлигини кўра олган андижонликлар бу йил 10 минг гектар ерга чигитни плёнка остига экдилар.

Июль ойида очилган пахта.

— Пахта етиштиришнинг янги усули айнан Андижонда кенг қулоч ёйганлигининг боиси нимада?

— Ўтган йилнинг қиш фаслида вилоят ҳокими олимлар, мутахассислар билан маслаҳат йиғини ўтказиб, чигитни плёнка остига экиш масаласига эътиборни қаратди. Пахта етиштириш технологиясини янгилашга ва унинг моддий-техника асосларини яратишга қаратилган ҳаракатлар бирлаштирилди. Андижон механика заводида чигитни плёнка остига экадиган сеялканинг тажриба нусхаси яратилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, ўша бир дона сеялка билан вилоятнинг 8 хўжалигида чигит экилди. Бу янгиликни жорий этишдан мақсад — ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ғўза билан банд бўлган майдонларнинг бир қисмини бошқа экинларга бўшатиб беришдан иборат.

— Андижон тажрибаси мамлакатимизда қандай қабул қилиняпти?

— Яқинда вазирликда кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб, Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида пахтачиликни янада ривожлантириш бўйича қатор тавсиялар муҳокама қилинди. Бугунги кунда энг истиқболли технология андижонликлар тажрибасида мужассам эканлиги таъкидланди. Ҳайъат йиғилиши пахтачиликда «Андижон усули»ни бутун мамлакатга ёйиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу асосда «Пахтачиликда Андижон усули илмий ишлаб чиқариш маркази»ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Яқин вақт ичида республикамизда андижонликлар тажрибаси асосида пахта етиштириладиган майдонлар кенгаяди. Шу йилнинг ўзида Фарғона, Наманган, Хоразм, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида тажриба тариқасида янги усулда ғўза парвариш қилиняпти. Пировард натижада мамлакатда пахта ҳосилдорлигини ҳозиргига нисбатан 3,5-5 центнерданга ошириш орқали 200-250 минг гектар майдонни озуқа ва бошқа экинларга бўшатиб бериш мўлжалланмоқда.

— Яқинда Хоразм ва Қорақалпоғистондан ҳокимлар, хўжалик раҳбарлари Андижонга келишиб, янги тажриба билан батафсил танишиб қайтдилар. Экологик жиҳатдан мураккаб ҳудудда жойлашган Амударё қирғоқларидаги далаларда янгилик самараси қандай бўлади, деб ўйлайсиз?

— Хоразм ва Қорақалпоғистонда баҳор кеч, куз эса эрта келади. Сув муаммоси ҳам ҳаммага маълум. Қолаверса, Амударё соҳилларида пахта етиштиришнинг Орол денгизи қуриши билан боғлиқ кўп муаммолари бор. Демак, бу маконда янгиликни қўллаш билан кўп муаммолар ўз ечимини топади, деб умид қилсак бўлади. Андижонда бўлиб қайтган ҳоким ва раҳбарлар ҳам айни шундай фикрда эканликларини айтишяпти...

— Ҳар қандай янгилик ўзига бирданига тўғри йўл топа олмайди. Ўнгдан ёки сўлдан... қараплар бўлади.

— Боя айтганимдек, алоҳида марказ ташкил этилиб, тегишли бошқарма ва идоралар олдига аниқ-равшан вазифалар қўйилди. Андижон механика заводида сеялкаларни янада такомиллаштирган ҳолда оммавий ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилмоқда. Ишнинг бошида Ўзбекистон илмий-тадқиқот институти Андижон шохобчаси олимлари, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси мутахассислари туришибди. Улар ўтган икки мавсумда қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш устида ишламоқдалар.

Шубҳасиз, узоқ йиллардан буён қон-қонига сингиб кетган технологиядан воз кечмайдиганлар ҳам бор. Плёнка остига чигит экиш ҳақида гап борганда унга ётсираб қараганларга Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигининг раиси Мамажон ота Ҳамроевнинг далаларига бир назар ташлашни таклиф этардик. Ўтган йили бир гектар ерда тажриба ўтказишга аранг кўнган бу отахон раис баҳорда барча майдонга янги усулда чигит экаман, деб туриб олди. Ҳозир унинг далаларидаги ғўзалар энг уста пахтакорни ҳам лол қолдиради. Эркин ва соғлом ғўзалардаги ҳосил чўғи янгиликнинг эртанги куни порлоқ эканлигини намойиш этмоқда.

Қ. АСҚАРОВ суҳбатлашди.

Ислоҳот одимлари

ДИВИДЕНД 325 ФОИЗ

Ёқуб Маҳмудов раҳбарлик қилаётган Жарқўрғондаги «Сурхонтўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида 1,5 минг нафар киши ишлайди. Улар ўрта толали пахтадан олдин ип йигирадилар, сўнг уни тўқийдилар. Илгарилари эни тўқсон сантиметрли матоҳ тўқилар, чунки ускуналар шунга мослашган эди.

Бозор иқтисодиёти барқарорлаша бошлагандан кейин эни 165 сантиметрли мато тўқиш ўзлаштирилди. Бу жараён корхона учун жуда оғир кечди — ускуналарининг ҳаммаси Россиядан келтирилди-да.

Шу йилнинг етти ойи мобайнида мазкур корхонада 789 тонна калава тайёрланди. Бу — режалаштирилганидан 60 тонна, бултурги кўрсаткичдан эса 55 тонна кўпдир. 4 миллион 256 минг метр погон мато тўқилди. Бу ҳам бултургидан 50 минг погон метр зиёд. Ҳар ишчи ҳисобига 92,455 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бултур 40,912 дона 100 сўмлик акция чиқарилганди. Дивиденд 325 фоизга тўғри келди.

1,5 минг ишчига хизмат қиладиган ошхона бор — таом нархининг 40 фоизини корхона тўлайди. Уларга хизмат қиладиган 12 та автобус ҳам бор: тўқувчи қизларни уйма-уй йиғиб, иш тугагандан сўнг яна уйма-уй тарқатади. Ўртача ойлик эса 2,5 минг сўмга чиқди.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Акс-садо

АМАЛИЙ ИШИМИЗ БИЛАН МУНОСИБ ЖАВОБ БЕРАМИЗ

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Президентимиз Фармонининг эълон қилиниши айни кўнглимиздаги гап бўлди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда шаклланган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий вазият танланган йўлнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди. Энди олдимиздаги долзарб вазифа — миллий ғуруримиз бўлган маънавиятимизни юқори чўққиларга кўтаришдир. Фармон билан танишар эканман, жуда тўлқинланиб кетдим.

Мен Ўзбекистон тарихини ўқитиш бўйича кўп йиллардан бери илмий изланишлар олиб бораман. Чунки тарихимиз фақат урушлар, босқинчилик, уларга қарши кураш эмас, балки яратувчилик, илм-маърифат, санъатшунослик, ҳунармандчилик ва буюк меъморчиликдан ҳам иборатдир. Масалан, буюк саркарда Амир Темур саройида бўлган испан элчиси Гонзалес де Клавихо маликаларнинг зеб-зийнатларини таърифлашга тил ожизлигини айтиб ўтади. Ҳозирги кунда ҳам ўзбек миллий амалий санъати юқори баҳоланади. Бу отабоболаримизнинг ниҳоятда маънавий етуклигини кўрсатиб турибди.

Маънавият тушунчасини боғча ёшидан болаларимиз англаб олишсин, чунки улар Ватан келажаги. Бу вазифа, албатта, азиз устозлар — ўқитувчилар зиммасига тушади. Фармоннинг 5-бандида ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин, дейилган. Ҳурматли ўқитувчиларимиз бундай эъзозга муносибдир.

Фармоннинг 2-банди ҳар бир ўзбек фарзанди орзусининг амалга ошиши, деб биламан. Мен тарих ўқитувчиси сифатида ёзги таътил кунларимни фақат республикамиз обидалари бор жойларда, ҳунармандчилик, санъатшунослик ривожланган вилоятларда, халқ орасида ўтказаман. Кекса кишиларимиздан унутилаётган анъаналаримиз, ҳунармандчилигимиз ҳақида ёзиб оламан.

Фармондан келиб чиқиб, ёшларимиз ҳамма тарихий жойларни бориб кўрадилар. Ўзбек санъатидан фахрланадилар. Келажакда миллий ғуруримизни, маънавий қадриятларимизни жаҳон кўзгусига олиб чиқадилар.

Менинг бирдан-бир орзуим — маънавий-маърифий ислоҳотни ривожлантирар эканмиз, шу соҳа раҳбар-мутахассислари юртим, халқим, десин. Ўз соҳасининг фидойиси бўлсин. Халқ ичига сингиб кетсин, чунки халқимиз очилмаган хазина, ўқилмаган катта достондир.

Бир ўзбек фарзанди сифатида миллатимнинг ғурури, қадриятлари, анъаналари, ҳунармандчилигини юксак чўққиларга олиб чиқадиган бу Фармонни қўллаб-қувватлайман. Ватанимнинг келажаги бўлган болаларимизни шу руҳда тарбиялашда бор кучимни аямайман.

Хосият УЗОҚОВА,
Тошкент давлат юридик институти бўлим бошлиғи.

КУНИГА 80 ТОННА

Боғот дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти аҳолига яна бир кулайлик яратди. Бу ерда улкан тегирмон ишга туширилди. Ҳиссадорлар маблағи эвазига қурилиб, Швейцарияда тайёрланган энг янги русумдаги асбоб-ускуналар ўрнатилган тегирмонда бир кеча-кундузда саксон тонна ун тортилади. Бу эса аҳолини ун ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Бу йил Янгийўл тумани деҳқонлари 7640 гектар майдонда пахта етиштирганлар. Айни чоғда туманда йиғим-терим қизғин бошланиб кетди. Пахтакорлар теримнинг биринчи кунларидаёқ тонна-тонналаб «оқ олтинни» қабул пунктларига пешма-пеш етказиб бермоқдалар. Пахта қабул қилиш пунктлари эса мавсумга ўз вақтида тайёрланганлиги туфайли деҳқоннинг пешона тери билан етиштирган хомашёни ўз вақтида қабул қилиб олишга эришмоқда.

СУРАТЛАРДА: М. Мирзабоев номли жамоа хўжалиги касаба уюшмаси раиси Т. Ҳасанов, (ўнгдан) пахта тозалаш корхонаси директори И. Қозоқбоев ҳамда пахта қабул қилиш пункти мудири Р. Камоловлар; навбатдаги пахта карвони манзилга ошиқмоқда.

Р. Ғалиев олган суратлар.

Бирортаям танқид натижасиз қолмайди

ҚУРИЛИШ УЧУН 1 МИЛЛИОН СЎМ

(«Бу йил қандай қишлаймиз?», «Халқ сўзи», 1996 йил 20 июнь)

Ғозғон қўрғони аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида фахрийлар боғидаги ер ости қудуғи орқали сув олинди ҳамда аҳолининг 1996-97 йилги қишки мавсумдан қийинчиликларсиз чиқиши учун керакли чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, қўрғонни газлаштириш ишлари республика марказлашган маблағи эвазига лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган. 1996 йил қурилиш ишларини бажариш учун 1 миллион сўм маблағ ажратилган.

М. ТЎЙЧИЕВ,
Нурота тумани ҳокими.

АВТОМОБИЛЬ ТАЛАБГОРЛАРИ УЧУН

Бухоро шаҳридаги «Муҳаббат-95» супермаркетида Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси чиқараётган автомобилларни сотадиган салон очилди.

Эндиикда бухороликлар тўрт хил машина — юк машинаси ва «Дамас» микроавтобуси, «Тико» ва «Нексиа» енгил автомашиналарини сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Бундай автосалонлар Гиждувонда ва яна иккитасини вилоят марказида очиш режалаштирилган.

«КОКА-КОЛА» НАМАНГАНДА ЧИҚМОҚДА

Вилоят марказидаги собиқ чанқовбости ичимликлар комбинати базасида барпо этилган «Наманган — кока-кола» қўшма корхонаси бу ичимликнинг дастлабки туркумини истеъмолчиларга жўнатди.

Янги корхонада Германиянинг «Кронес АГ» фирмасида тайёрланган ускуналар ёрдамида ҳар куни тўрт минг шишадан ортиқ ичимлик ишлаб чиқарилади. Бу Фарғона водийси аҳолисининг эҳтиёжини қондириш учун етарлидир. Корхона цехларида 200 киши ишлай бошлади. Келгусида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати яна оширилади. «Фанта» ва бошқа турдаги чанқовбости ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Газетхон танқид қилади

АҲВОЛ ҚАЧОН ЎНГЛАНАРКАН?..

Амударё тумани Қорақалпоғистон Республикасининг энг йирик туманларидан биридир. Бу ерда ҳар йили кўп миқдорда пахта, пилла, гўшт етиштирилмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан яқин тўрт-беш йилдан бери туман маркази бўлмиш Манғит шаҳрини ободонлаштириш ва турар-жойлар барпо этишга етарли даражада эътибор берилмаётир.

Бундай ачинарли аҳвол туман газетасида бир неча марта танқид қилинган. Аммо кўзга кўринарли бирор натижа бўлмаётир. Бундан 8-10 йил олдин асфальт ётқизилган кўчаларнинг ўнқир-чўнқирлигидан хуноб бўлиб юришдан ўзга чора қолмаяпти.

Шаҳар ва туман ҳокимликларида Манғит шаҳрини ободонлаштириш ва бу ерда янги уй-жойлар қуришга маблағ йўқ ҳисоби. Бундан кейин ҳам топилиши амримаҳол.

Ушбу масалага алоқадор ташкилотлар раҳбарларининг бизга маълум қилишларича, туманимизда уй-жой солиш учун ариза берувчилар сони ҳозирда минг кишидан ошиб кетди. Ўтган олти ой мобайнида иморат қурувчиларга жуда оз миқдорда ссуда пули ажратилган, холос. Бу урвоқ ҳам бўлмайди-ку, ахир...

Саъдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
Амударё тумани.

ТАДБИРКОР СЎРАЙДИ

Хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилганда томонларга даъво аризанинг нусхаси ва унга илова қилинаётган ҳужжатларнинг нусхасини юбориш шартми?

К. ОТАБОЕВА,
Қуйи Чирчиқ тумани.

Хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилганда даъво аризанинг нусхалари тақдим қилиниши, ёки юборилиши, унга илова қилинган ҳужжатлар томонларда йўқ бўлса, уларга ҳам юборилиши албатта, шарт.

* * *

Хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилганда шу даъвони кўриб чиқиш муддати қанча?

М. МАДРИЗАЕВА,
Сирдарё тумани.

Хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилганда даъво аризани кўриб чиқиш мумкин қадар қисқа вақтда, лекин 2 ойдан ошмаслиги керак. Бунда ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида томонларга жўнатилади.

* * *

Хўжалик суди даъво аризанинг бир қанча камчиликларини кўрсатиб қайтариб юборган эди. Кўрсатилган нуқсонларни бартараф қилиб қайтадан мурожаат қилмоқчиман. Бунда процессуал муддати ўтиб кетмайдими?

Х. БОЛИҚУЛОВ,
Пахтакор тумани.

Процессуал муддат ўтиб кетмайди. Сиз умумий тартибда яна қайтадан даъво ариза билан. Барча камчиликларни бартараф қилган ҳолда мурожаат қилишингиз мумкин.

* * *

Хўжалик суди даъво аризасидан камчилик топса уни кўрмасдан қайтариб юбориши бўйича бирон бир муддат борми?

С. ЎРОҚОВ,
Андижон вилояти.

Хўжалик суди даъво аризани қабул қилиб олгандан сўнг судья даъво аризадан бирон-бир камчилик топса уни кўпи билан 5 кун ичида қайтариб юбориши керак.

* * *

Хўжалик суди (судья) даъво аризани қабул қилганидан сўнг иш юритишни бошлаш учун қандай ҳаракатларни амалга ошириши мумкин?

М. ИДРИСХЎЖАЕВ,
Оққўрғон тумани.

Судья даъво аризани қабул қилиб, иш юритишни бошлаш тўғрисида ажрим чиқаради ҳамда уни томонларга, процессда қатнашаётган прокурорга юборади. Ушбу ажримда даъво аризаси қабул қилинганлиги, иш хўжалик судининг мажлисида ҳал этишга тайинланганлиги мажлис ўтказиладиган вақт ва жой, ишни мажлисда ҳал этишга тайёрлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўладиган ҳаракатлар қайд этилади. Бошқа ташкилотлардан ҳужжатлар, маълумотлар ва хулосалар сўраб олинадиган ёки уларнинг мансабдор шахслари хўжалик судига чақириладиган ҳолларда суд ажрими уларга ҳам юборилади.

Жавоблар Республика Олий Хўжалик судининг ходимлари билан ҳамкорликда тайёрланди.

БИЗНЕС МАКТАБИ

57 КУНДА ИККИ ҚАВАТЛИ БИНО

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида «Асакабанк»нинг Ангор бўлими биноси қуриб битказилди. Икки қаватли бу кўркам иморатни барпо этиш учун атиги 57 кун кифоя қилади.

ИҚТИСОДИЙ ЛУҒАТ

***ИННОВАЦИЯ** — янгиликни жорий этиш. 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника тараққиёти ютуқлари натижалари бўлган янги техника, технология. Ихтиро-чиликнинг ривожланиши, бирор йўналишдаги йирик ихтиро ва кашфиётларнинг майдонга келиши инновацияннинг муҳим омиллари ҳисобланади.*

САВДО УЙИ

Савдо уйи (савдо компанияси) банклар, ишлаб чиқарувчилар ва воситачилар билан узвий молиявий алоқаларга эга кўп тармоқли йирик савдо корхоналари гуруҳи сирасига киради.

Ғарб мамлакатларида дастлаб савдо уйлари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Уларнинг ватани эса Японiядир. Бугунги кунда бу мамлакатда 9 та «Сого-сёся» (кўп қиррали ташқи савдо компаниялари) таркибида дунёга машҳур «Мирубени», «Мицубуси седзи», «Мицуи буссан» каби йирик корпорациялар фаолият кўрсатмоқда. Япония иқтисодиётида, асосан, саноат ва халқ истеъмол моллари бўйича экспортнинг 45 фоизи ва импортнинг тахминан 77 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Савдо уйлари ихтисослашган ёки кўп тармоқли бўлиб, хусусан, иккинчиси бир қатор фаолият турларини ўз ичига олади. Турли номенклатуралар бўйича ўз номидан ёки ўз ҳисобидан экспорт-импорт мол айирбошлаш ва бошқа иқтисодий жараёнларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва савдо инфраструктурасини ташкил этиш мақсадида мамлакатда, шунингдек, чет элларда ўз маблағлари ҳисобидан сармоя сарфлаш, қарз бериш ва мулкни ижарага топшириш, ички улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш, мамлакат ичкарисидаги ва чет эл фирмаларига маслаҳатлар бериш, молия ва ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашиш, воситачилик хизматлари кўрсатиш шулар жумласидандир.

Японiядан намуна олиб, кейинчалик бошқа мамлакатларда ҳам савдо уйлари ташкил этилди. Масалан, 1983 йилда Венгрияда қайта тикланган «Трансэлектро», «Хунгаро-текс», «Хунгарокооп», «Конзумекс» ва бошқа савдо уйлари фаолиятининг тажрибаси диққатга сазовор. Улар бу мамлакат иқтисодиётини, савдо-сотиқни ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқдалар.

Собиқ Иттифоқ республикалари ичида эса савдо уйлари дастлаб Латвияда тузилди. У қатор жамоа, компания ва савдо ташкилотларини қамраб олган. Дейлик, «Интерлекс» (юридик жиҳатдан таъсисчи) фирмаси битимларни тузиш, минтақалараро юкларни ўтказиш қоидалари бўйича турли маслаҳатлар ва хизматлар кўрсатса, «Гайта» фирмаси эса битим асосида товарларни юклаш, тушириш, омборларга қўйиш, сақлаш ва автотранспорт воситалари билан таъминлашда ёрдам беради.

Республикамизда ҳам савдо уйлари муассасалари ишлаб турибди. «Ўзбек савдо уйи», «Барс», Тошкент савдо уйи, «Ўзбекистон-Россия», «Ўзбекистон-Украина» савдо уйлари, «Осиё континенталь» халқаро савдо уйини мисол сифатида келтириш мумкин.

Лекин, гапнинг очиғи, республикамизда савдо уйлари муассасаларини ташкил этишда мавжуд имкониятлардан тўлалигича фойдалана олмаяпмиз. Устига устак, савдо уйларига оид Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, намунавий низомлар етарли даражада ишлаб чиқилганича йўқ.

Хўжалик ва савдо ходимларининг кўпчилиги савдо уйлари ҳақида гап кетганда, уни биржага ўхшатадилар. Чунки бир қанча брокерлик конторалари ва оддий тижорат фирмалари савдо уйлари шаклида фаолият кўрсатмоқда. Лекин савдо уйлари биржадан фарқ қилади.

Савдо уйлари, аввало, нобиржа товарлари билан савдо қилади ва у кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорларга, уларнинг шохобчаларига хизмат кўрсатиши керак. Сабаби — бундай тадбиркорлар Товар-хомашё биржаларида молларнинг йирик партияларини сотиб олишга қодир эмас. Иккинчидан, сотувчи ва харидорларга турли хизматлар кўрсатиш, улар ўртасида кенг кўламли алоқалар ўрнатиб, савдо битимлари тузишга кўмаклашиш борасида савдо уйлари муассасаларига тенг келадигани йўқ. Қолаверса, савдо уйлари тижоратда бир нечта савдо усулларини қўллаб, турли операцияларни амалга оширадилар. Улгуржи ва чакана, «Кимошди» савдоларини уюштириш, доимий ва мавсумий ярмаркаларни ташкил этиш, бартер шаклида савдолар ўтказиш шулар жумласидандир. Бундан ташқари, улар республикада инвестицион фаолиятни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Ҳозирги кунда республикамизда мавжуд ўндан ортиқ савдо уйларининг кўпчилиги халқаро савдо уйларига хос ғайрат ва ишбилармонлик, тадбиркорлик билан фаолият юритмоқдалар. Айримлари эса савдо оборотлари ҳажмини аллақачон 10 млн. сўмгача етказдилар.

Шунга қарамасдан, савдо уйлари муассасаларининг иқтисодий ва хўжалик фаолиятида ҳали талайгина муаммолар бор. Улар нималардан иборат?

Айрим савдо уйлари молларни тақсимлаш ва сотиш, шартномаларнинг ижроси учун қулай шарт-шароитлар яратиш ўрнига фақат савдо-воситачилик, комиссион нафақа ва чакана савдо фаолиятлари орқали пул ишлаш йўлига ўтиб олган. Уларда маркетинг тадқиқотлари ва ахборот хизмати яхши йўлга қўйилмаган. Ташқи ва ички бозорлар ҳақида конъюнктура маълумотлари йиғиш ва таҳлил этиш иши ҳам талаб даражасида эмас. Устига устак, улгуржи ва чакана савдо шохобчалари стандартларга ва аҳоли талабларига жавоб бермайдиган товарларни таклиф этмоқдаки, бу ўз навбатида олди-сотдига кўпроқ вақт ажратишга мажбур қилаяпти, инвестицион дастурлар ишлаб чиқишга эса, умуман, аҳамият берилмаяпти.

Республикада савдо уйлари муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида жаҳон савдо уйлари тажрибасидан фойдаланган ҳолда уларнинг халқаро меъёрлар ва андозаларига мос келадиган ҳамда энг қулай ва самарали усул ва шаклларини танлаб олиш лозим. Шунда Ватанимиздаги савдо уйлари, турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларнинг жаҳон бозорида иштирок этишларига кенг йўл очилади.

А. СОБИРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти.

Маънавиятимиз фидойилари

ДИЛБАР ДИЁР МАФТУНИ

Ватан остонадан бошланади, деган пурҳикмат нақл бор. Киши бу ибораниг маъносини ёши улғайгани сари теранроқ англар экан. Тақдир сени иш ва оила ташвишлари билан қаерга етакламасин, лекин юрагингда ўзинг туғилиб-ўсган шаҳар ёки қишлоқ меҳри ўчмайди. Аксинча, йиллар ўтган сайин тобора кўнглингдан чуқуроқ жой олади...

Бундан ўттиз йиллар муқаддам, ҳали мактабнинг қуйи синфларида ўқиб юрган кезларимиз бир куни муаллимамиз дарсга мўъжазгина китобчани олиб келди.

— Дарсдан бўш пайтда мана бу рисолани албатта ўқиб чиқинглар, — дея тайинлади у киши. — Шаҳримиз тарихи ҳақида. Уни каттақўрғонлик бир муаллим ёзибди...

Эҳтимол ўша ўн беш-йигирма варақлик кичик китобчада битилган сатрларни ўқиб, туғилиб-ўсган шаҳримиз учун юрагимизда илк бор ғурур ва фахр ҳиссини туйгандирмиз. Лекин ўшанда бу китоб муаллифи кимлигини билмасдик. Рости гап, у пайтлар биз учун рисолани битган одамнинг исми-шарифи эмас, балки ўзимиз яшаётган кичик шаҳримизни кўз ўнгимизда янгидан кашф қилиб берган сатрлар муҳимроқ эди. Лекин, кейинроқ, ёшимиз улғайиб газета-журналларда Иззатулло Бекмуродов имзоси билан Каттақўрғон тарихига оид мақолаларни ўқий бошлаганимиздан сўнг ўша рисола муаллифи ҳам шу киши эканлигини билдик.

Ҳар гал Каттақўрғонда бўлганимда вақт топиб шаҳар марказидаги мўъжазгина бинода жойлашган Ўлкашунослик музейига кириб чиқишга интиламан. Аслида ҳар қандай шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида тўлароқ маълумот олмоқчи бўлган кишига бундан осони йўқ. Музей ходимлари сизга бу ерларнинг тарихига оид воқеа ва саналар тўғрисида, унинг ўтмиши ва бугуни ҳақидаги ҳикояларни мароқ билан сўзлашади. Муҳими, эътибор қилиб, вақт топсангиз бас.

Бугун Иззатулло ака ана шу музейга раҳбарлик қилади. Аслида касби математика ўқитувчиси, узоқ йиллар маориф, фирқа ва касаба уюшма муассасаларида раҳбарлик вазифаларида ишлаган. Лекин у қирқ йилдан зиёд вақт мобайнида Каттақўрғон шаҳри ва тумани тарихига оид маълумотларни тўплаш, уларни тарғиб этиш билан шуғулланиб келмоқда. Нафақага чиққач бутун вақтини ана шу севимли машғулотига бағишлади. Шаҳар ўлкашунослик музейига ишга келиб, унинг фаолиятини янада жонлантирди.

— Оллоҳ ҳар кимнинг кўнглига бир касб меҳрини солади, — дейди домла. — Лекин буни англаб етгунимизча кўп вақтни бой берамиз. Тақдир тақозоси билан бошқа соҳаларда ишласанг-да, аммо кўнглингга яқин бўлган машғулот меҳри сенга тинчлик бермайди. Бутун бўш вақтингни айнан шунга бағишлайсан...

Ана шу меҳр уни узоқ йиллар давомида меҳнат таътилларини ҳам гоҳ Тошкент, Самарқанд ҳужжатхоналарида, баъзан Москва, Санкт-Петербург музейларида ўтказишга чорлади. Азиз шаҳри Каттақўрғон, унинг олис ва яқин тарихига оид маълумотларни мисқоллаб тўплади. Чунки Кушония, Рабинжон, Корзон ва Пай каби қадимий шаҳарлар ҳам айнан ҳозирги Каттақўрғон атрофида бўлган. Демак, бугунги Каттақўрғон бундан икки ярим-уч минг йиллар муқаддам бу ўлкада пайдо бўлган шаҳарсозлик маданиятининг маҳсули сифатида яратилган. Қолаверса, унинг яқинидан топилган ва ҳатто ҳозир ҳам жаҳондаги машҳур археолог олимларнинг баҳсига сабаб бўлиб келаётган «Бия-Найман остодони» сири-чи? Афсуски, халқимиз маданий меросининг бебаҳо дурдоналаридан ҳисобланган бу ёдгорликлар бугун Каттақўрғон ёки Самарқанд музейида эмас, Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланмоқда...

Каттақўрғон шаҳри қурилишига асос солган машҳур Сўфи Оллоёр меросини тарғиб қилиш, бу борада тадқиқотлар олиб бораётган олимлар билан ҳамкорлик, аллома ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бағишлаб илмий анжуман ўтказиш — буларнинг барчасида Иззатулло домланинг хизмати бор.

Ўтган асрда шаҳар арки қандай бўлган? Унинг тасвири чизилган расм ёки сурат қолганми? Домла кўп изланишлардан сўнг 1868 йилда шаҳар Россия қўшинлари томонидан босиб олингач туширилган суратларни топишга муваффақ бўлди. Ҳатто бир хонадондан шаҳарнинг 1870 йилда чизилган ва босмахонада чоп этилган тўлиқ харитаси ҳам чиқди. Бугун буларнинг барчаси музей экспонатлари қаторидан жой олган.

Албатта, кичик бир мақолада бу ерда амалга оширилган барча ишлар тавсифини бериш имкони йўқ. Лекин уларнинг ҳаммасида бугун етмиш ёшда бўлишига қарамай бутун кучи ва билимини ана шу азиз шаҳри тарихини ўрганиш, тарғиб қилишга бағишлаётган Иззатулло Бекмуродовнинг катта ҳиссаси борлиги шубҳасиз. Домланинг «Каттақўрғоннинг қисқача тарихи», ҳамшаҳарларининг жантоҳларидаги мардиклари ҳақида ҳикоя қилувчи «Мангу жасорат» рисолалари, юзлаб мақолалари ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Музаффар МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГУЛИСТОНДА САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ

Гулистон шаҳри марказида жаҳон андозаларига мос ёпиқ теннис кортига эга бўлган саломатлик маркази очилди. Вилоятда ягона бу спорт иншоотида катта кортдан ташқари иккита теннис майдончаси, турли тренажерлар, сузиш ҳавзаси, фитобар мавжуд. Тажрибали тренерлар ва тиббиёт ходимлари бу ерга соғлиғини мустаҳкамлаш ва жисмоний чиниқиш учун келганлар хизматида бўлади.

Марказнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов сўзга чиқди.

«МОЗИЙ ВА МУМТОЗЛИК» КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида «Мозий ва мумтозлик» деб номланган кўргазма очилди. Унда тасвирий ва ҳалқ амалий санъати, шунингдек, анъанавий услубда яратилган санъат асарлари намойиш этилмоқда. Улар орасида рассомларимиз реалистик мактаби асарлари ва ҳайкалтарошлик намуналарига алоҳида ўрин берилган. Кўргазмани ташкил этишдан мақсад тасвирий ва ҳалқ амалий санъатининг энг яхши намуналарини тиклаш, ёш ижодкорлар асарларини тарғиб этишдан иборат.

(ЎзА)

"ФОТОН"
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Замонавий назорат-касса аппаратлари

Манзилгоҳ: 700047, Тошкент шаҳри, Мавороуннаҳр кўчаси, 13-уй.

Тадбиркорлар диққатига!
"Фотон" ҳиссадорлик жамияти
"Silex 7004" ва "Карат 1500 Д"
замонавий назорат-касса аппаратларини
сотишга таклиф этади.
Ушбу аппаратлар республика солиқ қўмитасининг барча талабларига жавоб беради ва Ўзбекистон ҳудудида қўллаш билан давлат реестрига киритилган.
ТЎЛОВ ИСТАЛГАН ШАКЛДА.
"Фотон" ҳиссадорлик жамияти қуйидагиларни таъминлайди:
* йил давомида бепул кафолатли хизмат кўрсатиш;
* кассир-операторлар тайёрлаш;
* сиз харид қилган аппаратни бутун фойдаланиш муддати давомида сарфланувчи зарур материаллар билан таъминлаш.
Телефонлар:
** сотиш бўлими: 33-56-16, 36-01-16, 36-07-71;
** сервис маркази: 33-74-31;
** "Нур" дўкони: 36-01-15.

ÖZBEK SERVIS MAS
"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕК-БЕЛОРУС ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРИДАН СОТАДИ:
- МАЗ-5551 самосваллари;
- суперМАЗ-54329-020 тягач, МАЗ-9330 полуприцепи билан;
- МАЗ-53366 бортли автомобили;
- МАЗ-83781 прицепи;
- ЮМЗ базасида "Борекс" экскаваторлари.
Двигателлар:
- ЯМЗ-238-2М;
- Д-245, Д-243.
Ҳамма модификациядаги МАЗ автомобилларини республикага етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилинади.
Ҳақ тўлаш - сўмда пул ўтказиш, вексель.
Манзил: Тошкент ш., Кафанов-Нукус массиви, 3.
Телефонлар: 54-99-19, 54-62-09, 54-07-80. Факс: 54-99-11.
Андижон шаҳридаги филиал, (37422) тел.: 4-66-53, факс: 4-31-76.
Новоий шаҳридаги филиал, (43622) тел.: 6-49-69, 3-08-01.
Бухоро шаҳридаги филиал, (36522) тел.: 3-07-40, факс: 6-68-63.
Нукус кўчаси
Ойбек шох кўчаси
"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" - МАҲСУЛОТЛАР ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ

Бунақаси ҳали бўлмаган!
14 мамлакатдан 70 қатнашчи
18 тақдимот ва семинар
elcom Asia 96
elcom Office 96
Official sponsors:
ABB MOTOROLA
1996 йил 1 октябрдан 4 октябргача
ЎзЭкспоМарказ Тошкент
Ўрта Осиёда йирик тадбир - энергетика, компьютер техникаси, телекоммуникация ва офис жиҳозлари III халқаро кўргазмасига хуш келибсиз!
Жаҳон бозорининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ўзларининг энг янги технология ва маҳсулотларини намойиш қилиш ниятида шу ерга тўпланишди.
Тошкентда мутахассислар билан учрашиш имкониятини қўлдан бой берманг!
Сизга барча қулайликларга эга бўлган автобуслар "Мустақиллик" метро бекатидан кўргазмагача ва яна орқага қайтишга бепул хизмат кўрсатади.
Иш вақти:
соат 10.00 дан - 18.00 гача.
ЎзЭкспоМарказ
Тел.: +7-3712-344545
Факс: +7-3712-358330
Тошкентда фэртрейд ваколатхонаси:
Тел.: +7-3712-55-38-30,31-22-93
Факс: +7-3712-55-38-30,34-15-93
ташкилотчи
fairtrade Messe und Ausstellungs GmbH

КОРХОНА
Т-28х4, МТЗ-80
(3 ва 4 ғилдиракли)
тракторларини сотувга қўяди.
Ҳисоб-китоб пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.
Мурожаат учун телефон:
(3712) 48-43-20.

«Илмнефтгаз» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «ЎзбекЛИТИнефтгаз» илмгоҳи жамоаси геология-минералогия фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзФА Академиги

ОБИД АКРОМХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Махсусэнергогаз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси академик

Обид АКРОМХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Пойтахтда Шаҳрисабз кўчаси борлигини кўпчилик билмаса керак. Худди шундай, мен ҳам тасодифан шу йўлдан ўтиб қолдим-да, девордаги кўнглимга яқин ёзувни кўриб юрагим ҳапқириб кетди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги танловига

КЎЗМУНЧОҚ

(Публицистика)

Кейин йўлни тез-тез шу томондан оладиган бўлдим. Кўча яқинида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда ва бу яратувчилик соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ.

Шаҳрисабз кўчасининг бир томони тиралиб келган «Дўстлик» меҳмонхонаси ёнидаги катта йўлга бобокалонимизнинг муборак номлари қўйилганига анча бўлди ва бу жойда кенг ҳажмли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Иккинчи чети тақаладиган Зобитлар уйининг боғи эса... Темурийлар даври тарихий музейи хиёбонига қўшилиб кетди. Нарироқда эндиликда шаҳримиз кўрки бўлиб қолган муаззам ҳайкал. Бугун мен унга ўзгача назар билан боқмоқдаман...

Бу кўчага ким, қачон «Шаҳрисабз» номини берган, билмадим-у, бироқ вақти-соати келиб, унинг яқинида шу шаҳар бағрида улғайиб, халқимиз шуҳратини дунёга танитган буюк зотга мангулик обида тикланади, деб ким ҳам ўйлаган эди? Аввало, бундай тасодифда ички бир мантиқ бордек туюлади, қолаверса, Истиқлол ботинда занжирбанд бўлиб ётган қанчалаб ҳақиқатларни юзага чиқарди, қанчалаб қуриш арафасида турган томирларга тириклик суви олиб борди? Энди, эҳтимол, назардан четда қолган, унутилган бир гўша ҳам кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлар, бу жойда серфайз масканлар барпо этилар!

Биз бир гапни такрорлашдан эринмаслигимиз керакка ўхшайди: истиқлол, аввало, халқимизнинг ўзлигини қайтариб берди. Зеро, Президентимиз томонидан таъкидланган «Мустақилликнинг бош мақсади халқимизнинг иззатини жойига қўйишдир», деган гоя эрк илинжидаги миллионлаб одамларнинг қалбига етиб борди. Ҳамма бизга насиб этган рўшноликнинг туб моҳиятини тўғри тушунди. Тушунгани туфайли баъзи ўткинчи қийинчиликларга мардонавор чидади.

Ўтган беш йилда, айтиш мумкинки, халқимиз табиатига хос бўлган бағрикенглик, тантилик, ўзи ва ўзгалар қадрини ҳурматлаш, аждодлари руҳига таъзим каби фазилатлар янада ёрқинроқ намоён бўлди. Бу йўлда раҳбарларимиз раҳнамо бўлдилар: рамазон ва қурбон ҳайитининг байрам деб эълон қилиниши, ҳаж сафарлари, Наврўзнинг қайтарилиши чинакам доно сиёсат эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Оқибатда, бутун Ўзбекистон халқи ўз Президенти атрофида мустаҳкам бирлашди, иродали, маърифатли, меҳнаткаш халқ эканлигини дунё ҳамжамиятига кўрсата олди.

...Ҳолбуки, кечаги кунларнинг таҳқирлари, хўрлашлари ҳали унутилгани йўқ, гувоҳлар ҳамон аламли ҳикоялари билан бугунги кунларга шукроналарини ифодалаб турибдилар. Зеро, бедодликни лаънатлаш ҳурликка қасидадир.

Амалда ўтмишга ўт қўйишга киришилган, фарзанд отага қарши тезланган 30-йиллардаги талотўпларни кўрганлар ҳам, эшитганлар ҳам унута олмайди. Иқтисод фанлари доктори Тоҳиржон Эминов 2-3 воқеани ҳаяжон билан сўзлаб бергандилар.

Қатағон йиллари шўро муштумзўрлари, айниқса, китобларни йўқотишга зўр бердилар. Ўзи, тарихда белодликнинг ўта бедоллиги худди шу — маърифатни ўтда куйдириш. Бу билан босқинчилар ҳам ўтмишимизни, ҳам келажагимизни барбод қилмоқчи бўлганлар. Андижонда Садимжон Ниёзов деган маърифатли одам нажот илинжида минглаб китобларни сувга оқизган, деворга қўшиб суваб ташлаган (бундай ҳол ҳамма жойда бўлган). Шаҳардаги Оразий қабристонига кечаси одамлар қоплаб китобларни девордан ошириб ташлаб кетган. Уларни отабола гўрков йиғиб, хонақоҳда асраб келган. Урушдан кейин, қандай хабар топган бўлса, 4 европалиқ милициялар билан келиб, яширилган китобларни талаб қилади. Топиб, 10 кун тит-пит қилади, саралайди. Сўнгра 6 та четан аравага жойлаб, поезд билан олиб кетишади, қолганларини ёқиб юборишади.

Номаълум ёқларга олиб кетилган китоблар нималардан сўзларди? Эҳтимол, уларда бугун дунё асрорининг калити бўлгандир ёки ҳеч бўлмаса, қавмимизнинг тарихи ёзилгандир қай бириди. Ахир шавкатли Амир Темур тўплаган ва янада бойитилган Мирзо Улуғбекнинг дунёга машҳур кутубхонаси тақдири ҳамон номаълум-ку. Ёки ҳозир тилло баробарига сотиб олаётганимиз китоблар ўша юклаб кетилган хазиналардир.

Нур қанча кучайса, доғлар шунча аниқ билинади, дейишади. Энди бундай нохуш воқеаларни янгича зеҳн билан баҳолай бошладик. Сабоқ эса ягона: боболар меросини кўз қорачиғимиздек асраш, ўрганиш, дунё маънавиятига қўшиш. Кўкрақдаги арслон-гурур қанчалар ғимирламасин, наъра тортиб ўкирмасин, у кунларнинг айбдорини топиб бўлмайди. Бильаакс, ҳар бир замон ўз йўриғида кечади: кимдир бузади, кимдир қуради. Бугун қуриш, яратиш мавриди келди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонлаш ана шу бунёдкорликнинг ёрқин нишонаси. Бу улуғ юмушнинг бошида турган Президентимизнинг куни-кеча «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вакиллари билан бўлган учрашувда таъкидлаганларидек, юбилейлар фақат баландпарвоз гаплар, тантаналар учун эмас, балки миллатнинг ҳар бир вакили ўз аждодини, насл-насабини таниб олишига, миллий ғуруринг бардам бўлишига хизмат қилиши лозим. Зеро, буюк бобокалонимиз замонидан кейин парчаланган, камситилган, занжирбанд қилинган халқнинг ифтихори қўзғалиши учун ана шундай муолажалар зарур. Бундай ифтихор бировдан устунликни таъкидлаш учун эмас, балки тенглар ичра тенгликни тасдиқлаш, қолаверса, бошқалар ҳавас қилса арзийдиган ҳаёт тарзимизни намойиш этиш учун асқотади, холос.

Қувонч билан эътироф этиш жоизки, тўғри муносабат туфайли юртдошларимиз қалбида ўтмишдан фахрланиш, энг яхши ютуқларни мустақил Ватан истиқболи йўлида истеъфода этишга истак ҳисси қучайиб бормоқда. Пойтахтда қад ростлаган Темурийлар тарихи музейи биноси ана шу туйғунинг моддий ифодасига ўхшайди. Бу масканни ҳаммамиз ўша кунлар шукуҳига мос даражада бўлишини истаймиз. Шунданми, бир гуруҳ фуқаролар номидан таҳририятга хат йўллаган Шуҳрат Аҳмаджонов Германиянинг Потсдам шаҳридаги Цецилиенкоф саройида сақланаётган XVII асрда яшаган италиялик рассом чизган нодир сурат ҳақида сўз юритиб, соҳибқирон ҳаётига дахлдор бўлган бу асарни ўз юртида кўриш хоҳишини билдиради. 50 нафар енгил атлетикачимиз 700 км. дан узоқ чўзилган Шаҳрисабз — Тошкент оралиғидаги масофада 14 кунлик (5-19 октябрь) югуриш мусобақасига тайёрланаяпти. Бу тадбир ҳам жисмоний тайёргарлик намойиши, ҳам байрам шодиёналарига айланиб кетиши шубҳасиз.

Юртимизга мусаффо бир ҳаво етиб келганга ўхшайди. Бу ҳол, айниқса, соҳибқирон бобомиз улкан тўйи тантаналари арафасида янада сезилмоқда. Жамоаларда ўтказилаётган байрам тантаналари, турли мусобақалар, танловлар, одамларнинг ялпи кайфияти шундай хулосага изн беради. Музаффар Амир Темурнинг етти йиллик юришдан қайтиб, ғалабалар шарафига Конигилда уюштирган катта тантаналарни ўз кўзи билан кўрган Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: «Шаҳар аҳлидан ҳар бири ўз ҳоли-қудрати етгунча кўркам бўлишга уринди. Ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарига боғлиқ нарсада жилди жаҳд кўрсатди. Ҳар бир санъат аҳли ўз санъатига мансуб нарсада имконидан ошириб маҳоратини намойиш этди».

Мазкур ҳолат билан ўлкамизда кезиб юрган кайфият ўртасида худди Шаҳрисабз кўчаси Амир Темур хиёбонига туташиб кетганига ўхшаш яқинлик бор. Айни кунлардаги тўй тайёргарликлари турли шарофатли амалларга йўл очмоқда, одамлар қалбидаги эзгу ниятларга қанот бахш этмоқда.

Бир кун таҳририятга катта қоғ кўтариб олган отахон кириб келди. 65 ёшни қоралаб қолган Аҳмадниёз Наметов Қозоғистоннинг Сайрам туманидан, асли касби тарих муаллими бўлган отахон Амир Темурнинг ўта мухлиси экан. Ўша ёқдаги «Сайрам садоси», «Дўстлик байроғи» газеталарида мақолалари чиққан, фахрийлар-у ўқувчи-талабаларга соҳибқирон бобомиз ҳақида ҳикоя қилиб бериштан чарчамас экан. Чимкентда/ ҳам тўйга ҳозирлик катта эмиш. Деворий газеталар, шиорлар, плакатлар, мусобақалар, суҳбатлар...

— Қашқадарёга кетаяпман, — деди отахон ёйиб ташлаган бисоти — газеталару турли суратларни халтасига жойлар экан, — Шаҳрисабзга бориб, Оқсаройни зиёрат қиламан-да, бир кеча тунаб қайтаман.

Ҳар қандай изоҳ ортиқча. Фақат эътиқод учун қуллуқ қилиш лозим бўлади.

Ватанда эркин, озод яшашнинг неъмати бошқача бўларкан. Биз энди ўз бўйимизни кўра бошладик, ўз «меҳробларимизга бош қўйиш» шарафига муяссар бўлдик. Тошкентдаги Катта Қўйи маҳалласининг оқсоқоли бир йиғилишда йил бўйи амалга оширилган ишлар сирасида маҳалладан икки кишининг туман вакиллари қаторида Оқсаройни зиёрат қилиб келганини қайд этганида тебраниб кетдим. Бу ифтихор бошқа ҳеч нарсадан эмас, Буюк Темурга бўлган чексиз меҳрдан, фарзандлик шарафидан эди.

Гўё халқимиз ўз иқболини асрлар оша неча балолардан омон сақлади. Уни тилининг остида, юрагининг тўрида асради. Бугун эса бахтини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқда. Неча аслт фарзандлар ҳаёти эвазига, дарё бўлган кўз ёшлару йўқотишлар эвазига қўлдан кетмаган эътиқод энди кўкка бўй чўзган ҳайкал бўлиб, кўзмунчоқ бўлиб юртимизни асрлар оша эмну омонликда сақлагай!

Ҳаким САТТОРИЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

Футбол шарҳи

ЮЗЛИК ДОВОН ЗАБТ ЭТИЛДИ

Футбол бўйича мамлакат бешинчи миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасидаги иккинчи давра беллашувлари бошланганига ҳам қарийб бир ярим ой бўлди. «Нефтчи», «Навбаҳор» клублари ва ўсмирлар, ёшлар ҳамда миллий терма жамоаларимиз халқаро майдонда ўз кучларини синаб кўришди. Наманганда эса футбол ҳафталиги катта тантана билан ўтказилди. Бу даврда футболимиз тарихидан жой оладиган бир қатор воқеалар содир бўлдики, бу галги шарҳимизда асосан шу хусусда сўз юритамиз.

Футболсеварларни тўлқинлантирган тарихий воқеа Осиё кубок эгалари кубоги учун майдонга чиққан «Навбаҳор» клубининг ўз майдонидаги Ироқнинг «Жавиия» жамоаси билан такрорий учрашувда содир бўлди. Жамоа ҳужумчиси Олег Шацких Ироқ клуби дарвозасига тўртта тўп йўллаб, Ўзбекистон чемпионатлари, кубок беллашувлари ва расмий учрашувларда киритган тўпларй сонини юзтага етказди. У шуниси билан аҳамиятлики, Шацких биринчи бўлиб юзлик довонни забт этди. Собиқ иттифоқ биринчилигида бундай футболчилар Григорий Федотов клубининг фахрий аъзоси саналар ва махсус мукофот билан тақдирланарди. Умуман халқаро майдонда ҳам ўйинчиларни юксак натижага ундовчи ва мақсади футболнинг тараққиётига қаратилган тақдирлаш тадбирлари, махсус совринлар мавжуд. Айниқса, Европада бунга алоҳида аҳамият берилади ва оммавий ахборот воситаларининг катта эътибор қаратиши натижасида у қитъа бўйлаб шов-шувга сабаб бўлади. Олег Шацких юзлик давонни забт этишини эса мамлакатимиз футболсеварлари орасида биров билди ё билмади, ҳаммаси тинч, осуда содир бўлди. Чунки республика футбол федерацияси бундай воқеага тайёр эмас, махсус соврин таъсис этилмаган эди. Яхшиямки мамлакатимизда бундай воқеани муносиб тақдирлаш республикамиз футболининг тараққиётига катта туртки беришини англайдиган футбол жонкуярлари топилди. Бу масъулиятни «Молодёжь Узбекистана» газетаси таҳририяти ўз зиммасига олиб, Ўзбекистон чемпионатлари, Кубок беллашувлари, расмий учрашувлар ва республикамиз терма жамоалари сафида юзта тўп киритган (1992 йил 1 январдан бошлаб) футболчиларнинг «Соккер-100» рамзий клубини очди ва лауреатлар учун мукофот таъсис қилди. Демак, «Соккер-100» рамзий клубининг биринчи аъзоси Олег Шацких бўлди. У шу кунгача яна 6 та тўп муаллифи бўлиб, умумий голлари сонини 106 тага етказди. Олег «Пахтакор», «Политотдел» ва «Навбаҳор» клублари сафида майдонга чиқиб, Ўзбекистон чемпионатларида 77 та, кубок беллашувларида 21 та, Осиё кубоклари учун баҳсларда 8 та тўп киритган. «Соккер-100» клубига кейинги номзод «Нефтчи»нинг ҳужумчиси Рустам Дўрмонов бўлиб турибди. Унинг шу кунгача киритган тўплари 98 та. Кейинги ўринларда пахтакорчи Равшан Бозоров (89та), «Сўғдиёна» ҳужумчиси Фурқат Эсонбоев (79та), Шуҳрат Мақсудов («Пахтакор» — 77та), Ойбек Усмонхўжаев (МҲСК — 72та) боришяпти.

Ўтган ярим ойда футболимиз тарихидан жой оладиган яна бир воқеа «Трактор» — «Динамо» (У) жамоалари учрашувида содир бўлди. Урганчликлар дарвозасини беш марта ишғол этган тошкентлик Д. Ўрмонов бу борада 1992 йилда Ф. Эсонбоев ўрнатган рекордни такрорлади. «Навбаҳор» — «Косонсой» учрашувида ҳам ўзига хос рекорд янгиланди, яъни Ўзбекистон чемпионатлари давридаги энг йирик ҳисоб (10:2) қайд этилди.

Клубларимизнинг Осиё кубоклари беллашувларидаги қатнашувига тўхталадиган бўлсак, «Нефтчи» ва «Навбаҳор» биринчи босқичдан яхши ўтишди. Бироқ иккинчи босқичда ҳар икки жамоамиз баҳсдан чиқишга мажбур бўлди.

«Нефтчи»нинг муваффақиятсиз қатнашувига сабаб — йил бошида клубни кўплаб етакчи футболчилар тарк этишганлиги, энди жамоа шаклида шакллланаётган, жипслашаётган ёшларда тажриба етарли эмаслиги бўлди. «Навбаҳор» эса, аксинча, икки жамоа таркибини ташкил этадиган маҳоратли футболчиларга эга эди. Эроннинг «Истиқлол» жамоаси билан бўлган Наманганлаги учрашувда ҳам клубимиз яхши ўйин кўрсатди ва йирик ҳисобда (4:1) ғалаба қозонди. Лекин ана шу йирик ҳисоб ҳам жамоамизнинг кейинги босқичга чиқишига камлик қилди.

Клуб билан бирга Эронга борган ҳамкасбимиз Алишер Никимбоевнинг таъкидлашича, «Навбаҳор»ни техронликлар ФИФА талабларига жавоб берадиган тарзда қутиб олишмаган. Жумладан, жамоамиз учрашув олдидан машғулотлар ўтказиш учун талаб даражасидаги майдон билан таъминланмаган. Футболчилар жойлашган меҳмонхона ҳам хароб ҳолда, шарт-шароитсиз бўлган. Айниқса, учрашув пайтида 110 минг томошабинлар томонидан футболчиларимиз томон муз парчалари, сув тўлдирилган елим идишларнинг отилиши ҳамюртларимизга руҳий жиҳатдан ўз таъсирини кўрсатган. Бунинг устига учрашув ҳаками икки ўйинчимизни майдондан четлатиб, икки марта дарвозамиз томон пенальти белгилаган. Айниқса, иккинчи пенальтининг амалга ошириш жараёни мутлақо қоидага зид эканлигини футболсеварларимиз ойнаи жаҳон орқали кўришди. Эронликлар Қозоғистоннинг «Елимай» жамоасини ҳам шу тарзда «кутиб олиб», ўз мақсадларига эришишган. Ўйламизки, Ўзбекистон футбол федерацияси қозоғистонликлар билан бирга ўз норозликларини ОФКга йўллашади.

Миллий терма жамоамиз эса Токиода бўлиб, мамлакатнинг 75 йиллигига бағишланган футбол учрашувида қатнашди ва Япония терма жамоасидан 1:0 ҳисобида мағлубиятга учради.

«Нефтчи», «Навбаҳор» ва миллий терма жамоаларимизнинг халқаро учрашувлардаги қатнашувидан келиб чиқадиган умумий хулоса шуки, жамоаларимиз учун халқаро майдон тажрибаси етишмаяпти. Айниқса, Осиё кубоги беллашувларига шайланаётган миллий терма жамоамизнинг тажрибасини орттириш учун декабрга қадар бир қатор ўртоқлик учрашувларида қатнашишини таъминлаш лозимдир. Акс ҳолда...

Кеча мамлакат бешинчи миллий чемпионатининг олий лигасида кечиктирилган бир учрашув ўтказилди. «Дўстлик» жамоаси «Наврўз» клубидан 3:0 ҳисобида устун келди. Навбатдаги тур учрашувлари бугун ўтказилади. «Нефтчи» — «Навбаҳор» учрашуви, айниқса, қизиқарли ўтиши кутилаяпти.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТЎЙ КУНЛАРИ ЯНГРАЙДИ

Мамлакатимиз бастакорлари буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига муносиб туҳфа тайёрламоқда. Бастакор Ҳабибулла Раҳимов шоир Жумаиёз Жабборов билан ҳамкорликда «Соҳибқирон абадияти» ораториясини ёзди. «Соҳибқирон таваллуди», «Жанг лавҳалари», «Қўнғироқлар жаранглаб», «Амир Темур сўзи» ва «Соҳибқироним» деб номланган беш қисмдан иборат бу асар республика телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестри ва хизмат кўрсатган хор жамоаси ижросида буюк бобокалонимиз тўйи кунлари янграйди.

МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Бозор иқтисодига ўтилаётгани муносабати билан ҳозир қишлоқ жойларида ҳам кун сайин янги-янги кичик корхоналар, турли фермер хўжаликлари пайдо бўляпти. Уларнинг ҳаммасига иқтисодчи мутахассислар зарур. Олий маълумотли ҳисобчи тайёрлаш учун эса камида тўрт-беш йил керак. Ҳаёт суръатлари кутиб турмайди.

Шунинг учун «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази Бухоро вилояти бўлими тегишли вазирликлар билан келишган ҳолда Вобкент шаҳрида қисқа фурсатларда ҳисобчилар тайёрлаш пуллик курсларини очди. Ҳозир ҳар ярим йилда бу мактабни бир гуруҳ битириб чиқяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, келажакда ҳисобчи бўлиб ишлаш ниятида бўлган ёшларгина эмас, қанча-қанча фермер хўжаликлари, кичик корхоналар раҳбарлари ҳам шу курсларда иқтисод асосларини ўрганаяптилар.

— Биз иқтисоднинг айнан бозор мўносабатлари билан боғлиқ жиҳатларини кўпроқ ўргатишга ҳаракат қилаётибмиз, — дейди ҳисобчилар мактаби муаллими, Республикада хизмат кўрсатган фахрий, ижтимоий таъминот ходими Муҳаммадқосим Олимов.

Зиёда ҒАФФОРОВА.

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН АРЗОН НАРХЛАРДА
ҚУЙИДАГИЛАР СОТИЛАДИ:
** ТЕГИРМОНЛАР УЧУН ВАЛЛАР
- БЗН 1000x250;
- БВ 1000x250.
** 50 кг ва 15 кг
СИҒИМЛИ ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР.
Тўлов шакли: нақд пул ўтказиш ва вексел билан.
Манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри,
Правда Востока кўчаси, 26.
DM FIRMA DEMIR
Тел.: 30-40-42, 41-87-73, 33-81-48, 33-06-00, 42-27-43, 42-06-73.

"Кварц" акционерлик жамияти
янги кувватларнинг ишга тушиши муносабати билан қалинлиги 3мм.дан 6мм.гача, ўлчамлари 1,3м. х 1,6м., 1,6м. х 2,0 метргача бўлган
архитектура-қурилиш ойнасини етказиб бериш учун чекланмаган миқдорда буюртма қабул қилади.
Манзилимиз: 713830, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2а.
Тел.: 3-21-73, 3-27-64. Факс: 3-38-23.

BRITISH-AMERICAN TOBACCO
ЎЗБАТ А.Ж. ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
Сизга агар иш керак бўлса...
Сизга агар жиддий иш керак бўлса...
Сизга агар барқарор иш керак бўлса...
Сизга агар яхши ҳақ тўланадиган иш керак бўлса ЎЗБАТ ҳиссадорлик жамиятига ишга келинг!
Компания қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ишга қабул қилмоқда:
- техник-механик
- электрон жиҳозлар наладчиги
Бунинг учун қуйидаги талабларга жавоб беришингиз керак:
- 35 ёшга кирмадингизми?
- Махсус ўрта ёки олий техник маълумотга эгасизми?
- Сиз "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг энг яхши ўқув марказларида ўқишга тайёрмисиз?
- Сиз жаҳон андозаларига мос даражада ишлашга тайёрмисиз?
- Сизни қўлга олинадиган 3500 сўмлик бошланғич иш ҳақи қониқтирадими?
СИЗНИ ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛАЖАК КУТАДИ
Ва яна ...
Танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар Тошкент тамаки фабрикаси ҳамда янги қурилаётган Самарқанд сигарет фабрикасига ишга таклиф қилинади.
Ишни бошлашдан олдин...
Компаниянинг ҳамма филиалларидан олишингиз мумкин бўлган анкетани тўлдиринг.
Тўлдирилган анкеталар ўрганиб бўлинганидан кейин номзодлар бир ой муддат ичида суҳбатга таклиф қилинади.
- Тошкент ш., Носиров кўчаси, 77. Тошкент тамаки фабрикаси.
- Самарқанд ш., А. Рўдакий кўчаси, 150. Самарқанд тамаки-ферментация заводи.
- Ургут ш., Навоий шоҳ кўчаси, 10. Ургут тамаки-ферментация заводи.
ВАТАНИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев.
Навбатчи — О. Тўрақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0509 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.47 123456